O'ZBEKISTON
RESPUBLIKASI
MILLIY
INV.№


# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: info@xs.uz • 2008 йил 27 август, № 168 (4578) Чоршанба


Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ФАРМОНИ

## «ЎЗБЕКИСТОН ҚАҲРАМОНИ» УНВОНИНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

Ватанимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, унинг жаҳон миқёсидаги шон-шуҳратини юксалтириш, ислоҳотларни янада чуқурлаштириш борасида давлат ва халқ олдидаги улкан хизматлари, ишлаб чиқариш ва ижтимоий соҳалардаги узоқ йиллик қаҳрамонона меҳнати, халқимизнинг бебаҳо маданий-маънавий меросини сақлаш ва ривожлантириш ҳамда ёш авлодни ватанпарварлик ва халқпарварлик руҳида, ҳар томонлама баркамол этиб тарбиялашга қўшган катта ҳиссаси учун қуйидагиларга **“Ўзбекистон Қаҳрамони”** унвони берилиб, олий нишон — “**Олтин юлдуз**” медали топширилсин:

**Абдуллаева Сиёсатхон** — Олтинкўл туманидаги “Олтинкўл водий гулшани” фермер хўжалиги бошлиғи, Андижон вилояти

**Бахромов Исахан Насирович** — Ангор туманидаги “Саидносирхон” фермер хўжалиги бошлиғи, Сурхондарё вилояти

**Каримов Эгамберган Каримович** — Урганч автомобиль ва йўллар касб-ҳунар коллежи директори, Хоразм вилояти

**Сойибов Фархат Яхшиевич** — Навоий кон-металлургия комбинати Марказий кон бошқармаси 2-Гидрометаллургия заводининг цех бошлиғи

**Хожаниязов Гайратдин** — Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Қорақалпоғистон бўлими тарих, археология ва этнография институтининг археология бўлими мудири

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2008 йил 26 август



Абдуллаева Сиёсатхон



Бахромов Исахан Насирович



Каримов Эгамберган Каримович



Сойибов Фархат Яхшиевич



Хожаниязов Гайратдин

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ФАРМОНИ

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ЎН ЕТТИ ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ФАН, ТАЪЛИМ, СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ, МАДАНИЯТ, САНЪАТ, МАЪНАВИЯТ ВА МАЪРИФАТ, ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ҲАМДА ИЖТИМОИЙ СОҲАЛАР ХОДИМЛАРИДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

*Ватанимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, унинг халқаро миқёсдаги нуфузини ошириш, халқимиз маданияти ва маънавиятини юксалтириш ишига қўшган салмоқли ҳиссаси, бетакрор истеъдоди, серқирра ижоди, илмий фаолияти, ҳалол хизмати билан эл-юрт ўртасида орттирган обрў-эътибори, фан, таълим, адабиёт, маданият, санъат, соғлиқни сақлаш, спорт ва ижтимоий ҳаётнинг бошқа соҳаларидаги кўп йиллик самарали меҳнати ҳамда жамоат ишларидаги фаол иштироки учун қуйидагиларга фахрий унвонлар берилсин:*

**“Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби”**

**Лутфуллаев Бахрулла Амруллаевич** — Ўзбекистон давлат санъат институти профессори, композитор

**Шамсуддинов Рустам Динамович** — “Ўзбекрақс” миллий рақс бирлашмаси бадиий раҳбари, эстрада ва оммавий байрамлар режиссёри

**“Ўзбекистон Республикаси фан арбоби”**

**Сулаймонов Рустам Ҳамидович** — Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетининг Археология ва этнология кафедраси профессори

**Юнусов Мираҳмад Пўлатович** — Ўзбекистон кимё-фармацевтика илмий-тадқиқот институти лаборатория мудири

**“Ўзбекистон Республикаси халқ артисти”**

**Номозов Маҳмуд Алматович** — “Ўзбекнаво” эстрада бирлашмаси хонандаси

**Кайипназарова Турсингул Айтимбетовна** — Бердақ номидаги Қорақалпоғистон давлат мусиқий театри актёри

**Ражабов Мурод Ёдгорович** — Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган артист, киноактёр

**“Ўзбекистон Республикаси халқ бахшиси”**

**Ўмиров Кара (Қора бахши)** — Бахши, Сурхондарё вилояти

**“Ўзбекистон Республикаси халқ рассоми”**

**Бакиров Обиджон Соибжонович** — “Рассом” ижодий ишлаб чиқариш корхонаси рассоми

**“Ўзбекистон Республикаси халқ устаси”**

**Иброҳимова Муҳаррам Неъматовна** — Ўзбекистон Бадиий ижодкорлар уюшмаси аъзоси, ёғоч ўймакори

**“Ўзбекистон Республикаси халқ ҳофизи”**

**Иброҳимов Абдунаби Бегимқулович** — Юнус Ражабий номидаги “Мақом” ансамбли хонандаси

**“Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган артист”**

**Абдиева Гулишод Эсонбековна** — “Ўзбекрақс” бирлашмаси “Тановар” рақс ансамблининг балет артисти

**Азатова Феруза Мураталиевна** — “Ўзбекистон” ашула ва рақс ансамбли раққосаси

**Арслонов Ҳошим Саломович** — Ўзбек давлат драма театри актёри

**Кенжаев Йўлдош Ҳакимович** — Бухоро вилоят қўғирчоқ театри бадиий раҳбари

**Маҳмудова Нодира Умаровна** — Ўзбек Миллий академик драма театри актёри

**Неъматова Нигина Фарҳодовна** — “Ўзбекистон” ашула ва рақс ансамбли балет артисти

**Раҳматов Диас Неъматович** — “Ўзбекфильм” киностудияси актёри

**Раҳимова Ҳосилахон Иброҳимовна** — Сурхондарё вилояти, Денов туманидаги “Навниҳол” халқ ансамбли хонандаси

(Давоми 2-бетда).

## ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА



***26 август куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.***

Мажлисни Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Спикери Д. Тошмуҳамедова олиб борди.

Депутатлар Қонунчилик палатаси Кенгаши томонидан таклиф этилган кун тартибини тасдиқладилар.

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 2008 йил биринчи ярим йиллиги якунлари бўйича ижроси тўғрисида молия вазирининг ўринбосари М. Мирзаев маъруза қилди. Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар қўмитасининг раиси А. Аҳадов мазкур масала бўйича қўшимча маъруза билан сўзга чиқди.

Савол-жавоблардан кейин бўлиб ўтган ҳисоботнинг муҳокамаси вақтида барча сиёсий партиялар фракцияларининг вакиллари сўзга чиқдилар. Депутатлар таъкидладиларки, Давлат бюджети жорий йилнинг биринчи ярмида профицит билан ижро этилди, мамлакат иқтисодиётининг ўсиш суръатлари ўтган йилнинг шу даврига нисбатан ошган. Фаол инвестиция сиёсати, ишлаб чиқаришнинг етакчи тармоқларини техника ва технология жиҳатидан модернизациялаш бўйича амалга оширилаётган чоралар миллий иқтисодиётнинг жўшқин ривожланишига кўмаклашди.

Иқтисодий ўсиш аҳоли реал пул даромадларининг ошганлиги туфайли юзага келган ички талаб, шу жумладан, истеъмол бозоридаги талаб билан ҳам қўллаб-қувватланди. Бизнес зиммасидаги солиқ юкини пасайтириш бўйича кўрилган чоралар иқтисодиёт хусусий секторидаги корхоналарнинг ишлаб чиқариш фаолиятини кучайтиришга кўмаклашди, натижада уларнинг самарадорлиги ошди. Мамлакатнинг Давлат бюджети соғлиқни сақлаш, таълим, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш соҳаларини, «Ёшлар йили» Давлат дастурини ўз вақтида молиялаштиришдан иборат аниқ ижтимоий йўналишга эга эканлиги алоҳида таъкидланди.

Муҳокама якунлари бўйича депутатлар Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг ярим йиллик якунлари бўйича ижроси тўғрисидаги ҳисоботни тасдиқлаб, тегишли қарор қабул қилдилар.

«Нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятининг кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига қўшимча ва ўзгартишлар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳасини Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси раиси А. Саидов тақдим этди. Ушбу ўзгартишлар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузурида Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди, шунингдек, Жамоат фонди маблағларини бошқариш бўйича Парламент комиссияси тузилганлиги муносабати билан киритилмоқда. Муҳокама чоғида баён этилган фикрларни ҳисобга олган ҳолда, Қонунчилик палатаси Қонунни қабул қилди. Қонун маъқуллаш учун Сенатга юборилади.

**(ЎзА).**

***Ўзбекистон мустақиллигининг 17 йиллиги арафасида хорижий мамлакатларнинг ижтимоий-сиёсий доиралари вакиллари халқимизни ушбу улуғ байрам билан кутламоқда ва Истиқлол йилларида республикамиз эришган ютуқлар ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларини ўртоқлашмоқда.***

## ЎЗБЕКИСТОН МАМЛАКАТ КЕЛАЖАГИ УЧУН ҒОЯТДА ФОЙДАЛИ САРМОЯЛАРНИ ЖАЛБ ЭТМОҚДА

**Дунё нигоҳи**

**Бремен федерал ери маданият масалалари бўйича давлат котиби К. Имигхольц** шу муносабат билан қуйидаги мулоҳазаларни баён этди: «Ёш демократик давлат ҳисобланган Ўзбекистон ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишда салмоқли натижаларни қўлга киритди. Менинг фикримча, жорий йилда республика эришган муҳим ютуқлардан бири ўлим жазосининг бекор қилинишидир. Бу эса, ўз навбатида, Ўзбекистоннинг демократик ўзгаришларни изчил амалга ошириш ва инсон ҳуқуқларини мустаҳкамлаш ишига содиқлигини яна бир тасдиғи бўлди.

2008 йил Ўзбекистонда Ёшлар йили деб эълон қилинди. Мамлакатда ёшлар тарбияси масаласига, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга устувор аҳамият қаратилаётгани қувонарли ҳолдир. Ўзбекистон камол топиб келаётган ёш авлодни ўзининг том маънодаги истиқболи сифати қарамоқда.

Мамлакат мустақиллигининг 17 йиллиги арафасида жамоат ва демократик институтларни янада такомиллаштириш, энг юксак демократик андозаларга интилиш йўлида Ўзбекистонга янги зафарлар тилайман!».

**АҚШнинг Ратгерс университети профессори, «Global Scholarly Publications» халқаро ташкилоти директори П. Морвидж** эса қуйидаги фикрларни билдирди: «Ўзбекистонда ижтимоий-иқтисодий ва демократик ислоҳотларни амалга ошириш борасидаги муваффақиятлар яққол кўзга ташланмоқда ва жаҳоннинг барча мамлакатлари томонидан эътироф этилмоқда.

Иқтисодий ўсиш мамлакат тараққиётининг муҳим асосларидан бири бўлмоқда. Унга самарали ташқи сиёсат ва ҳукумат олиб борган оқилона ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар

(Давоми 3-бетда).

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИ ЎН БЕШИНЧИ ЯЛПИ МАЖЛИСИНИНГ ОЧИЛИШИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн бешинчи ялпи мажлиси 2008 йил 28 август куни эрталаб соат 10.00 да Тошкент шаҳрида, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг мажлислар залида очилади.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг аъзолари диққатига**

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг аъзолари 2008 йил 27 август куни соат 9.00 дан 18.00 га қадар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати биносининг фойесида рўйхатга олинади.

## ВАТАН ДОВРУҒИНИ ОШИРИШ – ОЛИЙ САОДАТ



Муҳаммад АМИН (ЎзА) олган сурат.

***Пекинда ўтган XXIX ёзги Олимпиада ўйинларидан спортчиларимиз бошларини тик кўтарган ҳолда, совриндор бўлиб Ватанимизга қайтиб келишди. Улар тўрт йилликнинг нуфузли спорт анжуманида 1 та олтин, 2 та кумуш ва 3 та бронза медалини қўлга киритиб, Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 17 йиллик байрамига ажойиб совға ҳозирлашди. Музаффар спортчиларимиз Тошкент халқаро аэропортида катта тантана билан кутиб олинди.***

(Давоми 8-бетда).

*«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгаши ҳамда «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси ташаббуси билан ташкил этилган «Келажак овози» кўрик-танлови ёшлар салоҳиятини аниқлашда муҳим аҳамият касб этаяпти.*

# ИСТЕЪДОДЛИ ЁШЛАР САРАЛАНМОҚДА

Танлов

**Жиззах вилояти**

Танловнинг Жиззах вилояти босқичида ҳам бу тамойил равшан намоён бўлди.

— Кўрик-танловнинг «Ижтимоий лойиҳалар ва бизнес режалар» номинацияси бўйича ғолиб чиқдим, — дейди иштирокчи Бахтиёр Норматов. — Шаҳримиздаги автомобилларга газ қуйиш шохобчаларининг янги, истеъмолчилар учун қулай, бирмунча арзонроқ қуриладиган лойиҳасини ишлаб чиқдим. Шохобчага келган ҳар ўнинчи истеъмолчининг турли йўллар билан рағбатлантирилиши барчага манзур бўлди.

Зарбдорлик Шоҳруҳ Ўролов эса одам анатомияси ҳамда биология фанларини ўрганишда тенгдошларига қўл келадиган илмий мақолалар тайёрлаб, китобча шаклида иштирокчиларга ҳавола этди. Жиззах туманидан келган Ш. Маҳкамовнинг интернет тизимида ёшлар мавзуида сайтлар яратиш борасидаги лойиҳаси «Ахборот ва коммуникация технологиялари» номинацияси бўйича мукаммал иш, деб тан олинди.

Бу йилги кўрик-танловнинг вилоят босқичида 5090 нафар истеъдодли ёш иштирок этди. Танлов якунида ғолиб чиққан 41 нафар йигит-қиз 7 номинация бўйича тадбирнинг республика босқичида қатнашадиган бўлди.

**Баҳриддин САТТОРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

**Наманган вилояти**

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамда «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси ташаббуси билан ўтказиб келинаётган «Келажак овози» кўрик-танловининг нуфузи тобора кўтарилаяпти. Бу ҳол тадбирнинг Наманган вилоятида ташкил этилган шаҳар ва туман, вилоят босқичларида ҳам кузатилди.

Кўрик-танловнинг дастлабки беллашувларида иштирок этган 3198 нафар иштирокчининг 218 нафари вилоят босқичига йўлланмани қўлга киритган эди. Тасвирий ва амалий санъат, рационализаторлик таклифлари, ахборот-коммуникация технологиялари, бадиий ижод, архитектура ва дизайн сингари қатор йўналишларда ўзига хос иқтидорга эга бўлган бу йигит-қизлар танловнинг мамлакат босқичида қатнашиш ҳуқуқини эгаллаш учун баҳсга киришдилар. Ҳар бир қатнашчи тақдим этган ижодий иш — ташаббус ва лойиҳалар атрофлича ўрганиб чиқилди. Ҳакамлар ҳайъати энг иқтидорли 41 нафар ёшни ғолиб деб топди.

**Қудратилла НАЖМИДДИНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

**Тошкент вилояти**

Ўрта Чирчиқ туманининг Қумовул қишлоғида жойлашган вилоят Маънавият тарғибот марказида "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармасининг ташаббуси ҳамда Ўзбекистон "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий кенгаши ҳамкорлигида ўтказилаётган анъанавий "Келажак овози" танловининг Тошкент вилояти саралаш босқичи бўлиб ўтди. Унда туман ва шаҳар мусобақаларида юқори ўринларни эгаллаган уч юзга яқин йигит-қиз қатнашиб, «Тасвирий ва амалий санъат», «Меъморчилик ва дизайн», «Ахборот-коммуникация технологиялари», «Ижтимоий лойиҳалар ва бизнес-режа, рационализаторлик таклифлари ва техник ишланмалар», «Бадиий ижод ва публицистика» ҳамда «Спорт» йўналишлари бўйича ўзаро беллашдилар. Якуний натижаларга кўра, 39 нафар иштирокчи танловнинг республика босқичида ўз иқтидорини синаб кўриш учун йўлланма олди.

**Абдунаби ҲАЙДАРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

**Хоразм вилояти**

Юртимиздаги истеъдодли, иқтидорли, билимга чанқоқ йигит-қизларнинг ўзларини турли жабҳаларда намоён қилишига имконият яратиб бериш мақсадларини илгари сураётган «Келажак овози — 2008» танловининг Хоразм вилояти босқичи якунланди.

Жорий йилнинг 7-11 август кунларида кўрик-танловнинг шаҳар ва туман босқичлари ўтказилган эди. Вилоят бўйича ушбу танловга аризалар 2007 йилда 1645 тани ташкил этган бўлса, бу йил 4475 тага етди. Еттита номинация бўйича шаҳар ва туман босқичларида сараланган 244 нафар ғолиб танловнинг вилоят босқичида иштирок этди.

Ғолибликни қўлга киритган 41 нафар иқтидорли ёш танловнинг республика босқичида қатнашади.

**Ойбек РАҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# ЎЗБЕКИСТОН МАМЛАКАТ КЕЛАЖАГИ УЧУН ҒОЯТДА ФОЙДАЛИ САРМОЯЛАРНИ ЖАЛБ ЭТМОҚДА

(Давоми. Боши 1-бетда).

туфайли эришилди. Сўнгги тўрт йил давомида республика ялпи ички маҳсулотининг йиллик ўсиш ҳажми 7 фоиздан ошиб келмоқда. Барқарор иқтисодий ўсиш аҳолининг реал даромадлари кўпайиши ва унинг фаровонлиги ошишига имкон бермоқда ҳамда ижтимоий йўналтирилган лойиҳаларнинг муваффақияти гарови бўлаяпти.

Ёшлар ҳар қандай давлат тараққиётининг ғоятда муҳим асосларидан бири ҳисобланади. Ўзбекистон ҳукумати томонидан «Ёшлар йили» Давлат дастурининг амалга оширилаётгани республикада ёш авлоднинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳар томонлама ҳимоя қилишга катта эътибор берилаётганидан далолатдир. Ушбу мақсадлар, жумладан, таълим тизимини ривожлантириш учун салмоқли ресурслар ажратиб, Ўзбекистон мамлакат келажаги учун ғоятда фойдали сармояларни жалб этмоқда.

Шарқшунос олим сифатида тарихий меросни, халқнинг моддий ва маънавий қадриятларини, шунингдек, ислом маданияти ёдгорликларини кўз қорачиғидай асраб-авайлаш борасида Ўзбекистон раҳбарияти амалга ошираётган чора-тадбирларга диққат қаратишни истар эдим.

Бу хусусда сўз юритиб, аввало, жаҳон цивилизацияси тараққиётига бебаҳо ҳисса қўшган кўплаб буюк олим ва мутафаккирлар, давлат ва жамоат арбоблари Ўзбекистон ҳудудида туғилиб, фаолият юритганини таъкидлаб ўтиш жоиз. Шу боис юртингиз тарихан маърифий исломнинг жаҳон марказларидан бири бўлган ва шундай бўлиб қолмоқда. Ислом эса, ўз навбатида, жаҳон цивилизациясининг ажралмас бир бўлагидир».

**Темурийлар тарихи ва санъатини ўрганиш ассоциацияси президенти Люсьен Керен**: «Францияда ўзбек маданияти, тарихи ва анъаналарига бўлган қизиқиш тобора ўсиб бормоқда. Темурийлар тарихи ва санъатини ўрганиш ассоциацияси 1988 йилда ташкил этилган эди.

1991 йил 31 августда юртингиз мустақиллиги эълон қилинганидан сўнг биз Ўзбекистонга бир неча бор ташриф буюрдик. Ҳар гал бу ерга келар эканмиз, салмоқли ижобий ўзгаришларнинг гувоҳи бўлдик.

Ассоциациямиз фаолияти доирасида биз французларга Ўзбекистонга сафар қилиш, шунингдек, мамлакатингизнинг бетакрор чиройи ва ўзбек халқининг меҳмондўстлигини ўз кўзи билан кўриб, ундан баҳра олишига кўмаклашамиз.

Францияликлар нигоҳида Ўзбекистон, аввало, Самарқанд, Бухоро, Хива ва Тошкент каби эртакмонанд шаҳарлари билан намоён бўлади. Бинобарин, мазкур кўҳна шаҳарлар бир неча асрдан буён кўплаб европаликларни ўз таровати ва салоҳияти билан ҳаяжонга солиб келмоқда. Бунда, албатта, ал-Хоразмий, Абу Райҳон Беруний, Амир Темур, Мирзо Улуғбек каби буюк тарихий шахсларнинг ҳам муносиб хизматлари бор.

Ўзбек халқининг улуғ байрами арафасида Франция ва Ўзбекистон ўртасидаги дўстона ҳамда маданий муносабатлар янада ривожланиши ва мустаҳкамланишига ишонч билдираман. Ўзбек халқини Мустақиллик байрами билан чин қалбимдан табриклайман, тинчлик ва фаровонлик ҳамиша ҳамроҳингиз бўлсин!».

**Корея Республикаси Миллий Ассамблеяси собиқ спикери, Ўзбекистон Республикаси «Дўстлик» ордени соҳиби Ли Ман-Соп:** «Ўзбек халқи томонидан тўла қўллаб-қувватланаётган мамлакат Президентининг оқилона сиёсати жамият ҳаётининг барча соҳаларида эришилаётган тараққиётнинг ҳал қилувчи омиллардан бири бўлди.

Амалга оширилаётган туб ўзгаришлар ҳақида сўзлаб, аввало, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш, шунингдек, суд-ҳуқуқ ислоҳотлари борасида Ўзбекистон қўлга киритаётган салмоқли натижаларни таъкидлашни истар эдим. Ўлим жазосининг бекор қилингани, шунингдек, «Хабеас корпус» институтининг жорий этилаётгани фикримизнинг яққол исботидир. Ушбу мисоллар Ўзбекистон демократик давлат сифатида жадал ривожланиб бораётганининг сўзсиз тасдиғи ҳисобланади.

Ҳар бир давлат тараққиётида мамлакат раҳбарининг маҳорат ва истеъдоди ҳамда унинг саъй-ҳаракатлари халқ томонидан фаол қўллаб-қувватланиши муҳим роль ўйнайди. Айнан ушбу омиллар сабабли Ўзбекистон юрт тараққиётида диққат-эътиборга молик натижаларни қўлга киритди. Улуғ байрам арафасида Ўзбекистон халқига, ўзбекистонлик дўстларимизга истиқлолнинг илк йиллариданоқ бошланган барча эзгу ва хайрли ишлари бардавом бўлиб, самимий ниятлари рўёбга чиқишини тилайман!».

**Украина савдо-саноат палатаси президенти Сергей Скрипченко:** «Шу кунларда ўзбек халқи мустақилликнинг 17 йиллигини нишонлаш арафасида турибди. Ушбу шонли сана ўзбек халқининг ҳуррият ва мустақилликка эришиш йўлидаги азалий интилишларини рўёбга чиқариб, унинг тарихига зарҳал ҳарфлар билан битилгандир. Мустақиллик — Ўзбекистон ҳаётида туб бурилиш нуқтаси бўлди, халқнинг маънавий тараққиёти, иқтисодий юксалишида кенг имкониятлар эшигини очди.

Истиқлол йилларида Ўзбекистон халқаро ҳамжамиятнинг нуфузли аъзосига айланди, янгича сиёсий, ижтимоий-иқтисодий қиёфага эга бўлди. Ўзбекистон собиқ шўролар ҳудудидаги бошқа мамлакатлардан ижтимоий-сиёсий барқарорлик, изчил ижтимоий-иқтисодий ўсиш, янгиланиш ва тараққиёт йўлидан жадал одимлаши билан ажралиб турибди.

Украина савдо-саноат палатаси номидан ўзбекистонлик барча дўстларимизга ғайрат-шижоат тилайман, юртингиз ва оилангиздан қут-барака аримасин! Тинчлик, фаровонлик ва қувонч ҳамиша ҳамроҳингиз бўлсин!».

**«Жаҳон» АА.**

# ҚЎША ҚАРИНГЛАР

**2008 йил — Ёшлар йили**

***Президентимиз ташаббуси билан қабул қилинган "Ёшлар йили" Давлат дастурига мувофиқ, жойларда кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, ёш авлодни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, моддий ва маънавий рағбатлантириш, кам таъминланган оилаларни ижтимоий ҳимоялаш борасида салмоқли ишлар қилинмоқда.***



Кам таъминланган оилалар фарзандларининг никоҳ тўйлари ва оилавий тантаналарини ўтказиш анъанага айланган.

Мамлакатимиз мустақиллигининг 17 йиллик байрами арафасида бундай хайрли ишлар қамрови янада кенгаймоқда.

Самарқанд вилояти Пайариқ тумани ҳокимлиги, "Маҳалла" жамғармасининг туман бўлими ташаббуси билан ҳомий корхона ва ташкилотлар, фермер ва тадбиркорлар кўмагида элликдан зиёд ёш оиланинг никоҳ тўйи ўтказилиши ана шундай эзгу ишлар сирасига киради.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари А. Рустамов, Республика "Маҳалла" жамғармаси раиси ўринбосари А. Ўринбоев ва бошқалар юртимизда ёшлар камолотига қаратилаётган юксак эътибор ва ғамхўрлик, уларнинг ҳаётда ўз ўрнини топиши, фаровон турмуш кечириши учун яратилаётган имконият ва шарт-шароитлар ҳақида тўхталиб, ёш келин-куёвларга бахт-саодат тиладилар.

— Ёшларимизнинг бахт ва висол айёмлари энг улуғ, энг азиз байрамимиз арафасида ўтаётгани ўзига хос рамзий маънога эга, — дейди "Маҳалла" жамғармаси туман бўлимининг раиси Сайдулла Бойзоқов. — Келин-куёвларга жамғарма томонидан уч миллион сўмликдан ортиқ моддий ёрдам кўрсатилди, ҳомийларнинг совғалари берилди, шунингдек, уларнинг ҳар бирига тижорат банклари томонидан уй-рўзғор буюмлари, маиший техника воситалари сотиб олишлари учун имтиёзли кредит ажратилди.

— Ёшлар йили бизнинг оиламиз учун бир олам қувонч келтирди, — дейди Тўполос маҳалласида яшовчи Эргаш Қўзибоев. — Бугун мустақил ҳаётга қадам қўяётган ёшлар орасида икки ўғлим — Бекзоджон ва Шерзоджон ҳам бор. Хонадонимга икки келин тушганидан, иккита фарзандим тўртта бўлганидан мамнунман. Бундай хайрли ишларнинг ташаббускори ва раҳнамоси бўлган Юртбошимиздан беҳад миннатдормиз.

Санъаткорлар ижросидаги куй-қўшиқлар тантанага янада файз бағишлади.

Тадбирда Самарқанд вилояти ҳокими Ў. Барноев иштирок этди.

**Ғ. ҲАСАНОВ,**
**ЎзА мухбири.**
**Т. НОРҚУЛОВ (ЎзА)**
**олган сурат.**

# ЖАҲОН 24 соат ичида

## Энг мароқли томоша



***АҚШда энг кўп кўрилган дастур Пекинда ўтказилган ёзги Олимпиада ўйинлари мусобақалари бўлиб чиқди.***

"Nielsen Media Research" тадқиқот компанияси вакилларининг таъкидлашича, бир кунда мусобақаларни ўртача 27,7 миллион киши томоша қилган. 16 кун мобайнида эса томошабинлар сони жами 211 миллионга етган.

Айтиш жоизки, аввалги рекорд 1996 йилги Атлантадаги Олимпиада ўйинларига тегишли эди. Ўшанда мусобақаларни 209 миллион томошабин қизиқиш билан кузатиб борган.

## Довул Гаити йўлида

***Кариб денгизига "Густав" номли тропик довул яқинлашиб келди.***



"Франс-пресс" ахборот агентлиги хабарига кўра, табиий офат ҳар сонияда 36 метр тезликда ҳаракатланмоқда. Яна бир неча чақиримдан сўнг довул Гаитига кириб келиши мумкин.

Эслатиб ўтамиз, Гаитида ўтган ҳафта "Фэй" тўфони кўп жойларни вайрон қилганди. Ўшанда 50 киши ҳалок бўлиб, юзлаб одамлар бедарак йўқолган.

## Қош қўяман деб...

***"Би-би-си" корпорацияси телетомошабинлардан спорт шарҳловчисининг қўпол ҳазили учун узр сўради.***



"The Daily Mail" нашрида ёзилишича, шарҳловчи Мадриддаги портлашдан иқтибос келтирган. У дарвозадан кўп тўп ўтказиб юборган жамоани самолётга ўхшатган.

Шарҳловчи Крис Прайс хатосидан ўзи ҳам хижолатда эканлигини тан олди.

## Биҳардаги ҳодиса



***Ҳиндистоннинг шарқий қисмидаги Биҳар штатида кўнгилсиз воқеалар рўй бераяпти.***

"ИТАР-ТАСС" ахборот агентлиги хабарида келтирилишича, штатда рўй бераётган сув тошқини аҳолига жиддий зарар етказмоқда. Ҳудуддаги 417 та қишлоқ аҳолиси хавфсиз ҳудудларга кўчирилаяпти. Шунга қарамай, табиий офат элликка яқин кишининг ҳаётига зомин бўлди.

*Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.*









*Пойтахтимизда фаолият кўрсатаётган*

## «ИФФАТЛИ КЕЛИН»

### ўқув маркази

*бутун Ўзбекистон халқини ва юртимиз меҳмонларини энг улуғ, энг азиз айёмимиз —*

## *Мустақилликнинг 17 йиллиги*

*билан самимий муборакбод этади.*

*Тинчлик, сиҳат-саломатлик, оилавий бахт ва муваффақиятлар доимо ҳамроҳингиз бўлишини тилаймиз. Мустақиллигимиз абадий бўлсин!*

---

**Хорижий инвестиция иштирокидаги «Урганч ёғ» очиқ турдаги акциядорлик жамияти меҳнат жамоаси**

**серқуёш Ўзбекистон халқини ҳамда турдош корхоналар ишчи-хизматчиларини**

## Мустақиллигимизнинг 17 йиллиги

**шодиёнаси билан самимий муборакбод этади!**

***Мана шундай улуғ ва файзли кунларда мустақиллигимизни мустаҳкамлаш ва бунёдкорлик йўлида ҳормай-толмай меҳнат қилаётган юртдошларимизга куч-қувват, сиҳат-саломатлик, улкан зафарлар ёр бўлсин!***

***Хонадонларингиздан тўкин-сочинлик, файзу барака, бахт-саодат аримасин!***

***Юртимизда тинчлик-осудалик барқарор бўлсин!***



**Мустақиллик берган беқиёс бахту саодат, ҳурлик абадий бўлсин!**

---

## «DESK INVEST»

## ЎЗБЕКИСТОН — АВСТРИЯ ҚЎШМА КОРХОНАСИ



**Ўзбекистон халқини улуғ байрам —**

**Мустақилликнинг 17 йиллиги билан муборакбод этади!**

***Барчага мустаҳкам соғлиқ, бахт-саодат, тинчлик-хотиржамлик, Ватанимизнинг гуллаб-яшнаши йўлидаги ишларингизда янгидан-янги муваффақиятлар тилайди!***

**«DESK-INVEST» МАҲСУЛОТЛАРИ ЕМИРИЛИШ ВА ТАШҚИ МУҲИТ ТАЪСИРИДАН ИШОНЧЛИ ҲИМОЯЛАНГАН.**

Финляндия ускуналари ва замонавий технологиялар маҳсулотимизнинг **КАМИДА 50 ЙИЛ** хизмат қилишига кафолат беради.

**БИЗ ҚУЙИДАГИЛАРНИ ИШЛАБ ЧИҚАРАМИЗ:**

- ***0,5 ММ. ҚАЛИНЛИКДАГИ ЮҚОРИ СИФАТЛИ МЕТАЛЛ ЧЕРЕПИЦА;***
- ***0,5-0,7 ММ. ҚАЛИНЛИКДАГИ РУХЛАНГАН ПРОФНАСТИЛ;***
- ***ДОИМ СОТУВДА — 1,5-30 ММ. ҚАЛИНЛИКДАГИ ҚОРА МЕТАЛЛ ПРОКАТИ.***

Манзилимиз: Тошкент ш., З. Шамсуддинова к., 45-уй.
Тел.: (998-71) 283-06-56. Факс: (998-71) 290-54-50, (998-93) 388-01-27.

---

## HAMKORBANK

ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК - ТИЖОРАТ БАНКИ

Барча юртдошларимизни истиқлолнинг 17 йиллиги байрами билан қизғин муборакбод этади.

Ҳамкорбанк пулингизни сақлаш учун - қулай имконият таклиф этади

| | | |
|---|---|---|
| **Қулай** омонати | даромад **18%** | мукофот **+4%** Мукофот пулини талабингизга кўра ҳар ойда олишингиз мумкин |
| **Сюрприз** ютуқли омонати | даромад **18%** | ютуқ **+ 2 000 000 сўм** Омонат фоизларини ҳар ойда олишингиз мумкин |
| **Универсал** АҚШ долларидаги омонати | даромад **12%** | **$ 3 ёки 6 ойга** Омонат фоизларини ҳар ойда олишингиз мумкин |

Хизматлар лицензияланган

Тел.:(8374) 224-70-91, 224-73-33





## Хоразм Маъмун академияси ва ал-Хоразмий номидаги Урганч давлат университетининг олимлари, профессор-ўқитувчилари жамоаси

Ўзбекистонимизнинг эрксевар, бунёдкор халқини энг улуғ, энг азиз байрамимиз — мамлакатимиз

**Мустақиллигининг 17 йиллиги**

шодиёнаси билан чин дилдан қутлайди!

Мустақиллик йилларида барча соҳаларда бўлгани каби илм-фанда ҳам катта ютуқлар қўлга киритилмоқда. Ҳозирги кунда Ўзбекистонимизнинг юксак илмий салоҳиятини бутун жаҳон тан олмоқда. Минглаб билимга чанқоқ ёшларимиз замонавий, барча қулайликларга эга юзлаб илм даргоҳларида, чет элларда билим олиб, она-Ватанимизга муносиб фарзанд бўлиб вояга етмоқдалар. Улар келажакда Ватанимизнинг илм-фандаги ютуқлари салмоғини янада оширишга ўз ҳиссаларини қўшишлари, шубҳасиз.

*Азиз юртдошлар!*

*Ватанимиз обод, осмонимиз доимо*
*мусаффо, турмушимиз янада фаровон бўлсин!*
*Хонадонларингиздан тинчлик-осудалик, бахт-иқбол аримасин!*
*Энг улуғ айём элимиз фаровонлиги,*
*Мустақиллигимизни мустаҳкамлаш йўлидаги*
*ишларимизда омад, бахт-саодат келтирсин, азизлар!*

*Истиқлолимиз абадий бўлсин!*





SARBAST PLUS

## «SARBAST PLUS» ҚК

*Ўзбекистон аҳолиси ва меҳмонларини*

*Ўзбекистон Республикасининг Мустақиллик куни билан қутлайди!*



*Барчага байрамона кайфият, мустаҳкам соғлиқ, бахт-саодат ва ишларингизда катта муваффақиятлар тилайди!*

# *infin*BANK

ЎЗБЕКИСТОННИНГ
МЕҲНАТСЕВАР ВА БАҒРИКЕНГ ХАЛҚИНИ
ЭНГ АЗИЗ ВА ЭНГ УЛУҒ БАЙРАМ —
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ
17 ЙИЛЛИГИ БИЛАН
МУБОРАКБОД ЭТАДИ!



*infin*BANK
OQILONA YONDASHUV

## «ҚОРАҚАЛПОҚ ДОНМАҲСУЛОТЛАРИ»

ҲИССАДОРЛИК ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИ

*барча юртдошларимизни*

***Мустақиллигимизнинг 17 йиллиги***

*билан чин дилдан табриклаб, тинчлик-омонлик, фаровон турмуш, нурли келажак доимо уларга ёр бўлсин, дея тилак билдиради!*







# ВАТАН ДОВРУҒИНИ ОШИРИШ — ОЛИЙ САОДАТ

(Давоми. Боши 1-бетда).

... 26 август, соат 13:05. Спортчиларимиз бортида бўлган авиалайнер етиб келишига ҳали бир соатдан кўп вақт бўлса-да, Тошкент халқаро аэропорти аллақачон кутиб олувчилар билан гавжум эди. Даста-даста гул тутган юртдошларимиз чуқур ҳаяжон, чексиз қувонч ва фахр билан спортчиларимизни табриклашга ошиқадилар. Айниқса, Олимпиада ўйинларида совриндор бўлиб, юртимиз довруғини оламга таратган спортчиларимизнинг ота-оналари, яқинларининг қувончи чексиз. Ҳаяжон билан тез-тез соатига қараб қўяётган Олимпиада ўйинлари кумуш медали соҳиби Абдулла Тангриевнинг акаси Абдувоҳид акани суҳбатга тортамиз:

— Ҳозир жуда ҳаяжондаман, — дейди Абдувоҳид ака Тангриев.— Укамнинг ғалабаси бутун ўзбекистонликлар қатори, Тиллакамар қишлоғи аҳлини, оила аъзоларимизни ҳам руҳлантириб юборди. Оилада етти ака-укамиз. Отам раҳматли Абдуллани тўрт ёшидан бошлаб тўйларда бўладиган курашларга олиб борарди. Ўғлим келажакда катта полвон бўлади, деб ният қиларди. Бугун отамнинг орзуси ушалди. Укам спортчиларга оталарча ғамхўрлик кўрсатаётган Президентимиз ва халқимиз ишончини оқлаганидан хурсандман. Абдулла Юртбошимизнинг Олимпия шаҳарчасида спортчиларимиз билан ўтказган учрашуви барчага катта далда бўлганини таъкидлади. Қолаверса, укамга дзюдо кураши сир-асрорларини ўргатган устозларининг барчасига миннатдорлик билдираман. Абдулла қачонки, Олимпиада ўйинлари совриндори бўлса, уйланишга сўз берганди. Медаль олган кунданоқ тўйига тайёргарлик кўришни бошлаб юбордик. Насиб этса, барчангизни тўйига айтамиз.

— Ўғлимнинг мусобақадаги иштирокини қўшниларимиз билан йиғилиб телевидение орқали кузатдик, — дейди спорт гимнастикасининг брусда машқ бажариш дастури бўйича бронза медалини қўлга киритган Антон Фокиннинг онаси Светлана Фокина. — Тўғриси, шарҳловчилар ўғлим бронза медали соҳиби бўлганини айтишганида, кўзимдан ёш чиқиб кетди. Антоннинг беш яшар қизчаси, неварам Ангелина биринчи бўлиб қўнғироқ қилди: "Бувижон, дадам ғалаба қозонди". Шундан буён ўғлимнинг ютуғи билан табриклаб қўнғироқ қилаётганларнинг чеки йўқ.

... Аэропорт хизматчиси авиалайнер Тошкентга етиб келганлигини эълон қилди. Олимпиада ўйинларида ватанимиз шарафини ҳимоя қилган спортчиларимиз бирин-кетин кутиш залига чиқиб кела бошлашди. Дастлаб, мураббийлар, жамоатчилик ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирокида тантанали тадбир уюштирилди.

Тадбирда Президентимиз раҳнамолигида мамлакатимизда спортни ривожлантириш ва оммалаштириш борасида кўрсатилаётган доимий эътибор туфайли ҳамюртларимиз жаҳон спорт майдонларида катта ютуқларга эришаётганликлари алоҳида таъкидланди. Маросимда "Пекин шаҳрида бўлиб ўтган XXIX ёзги Олимпиада ўйинларида юксак натижаларни қўлга киритган спортчилар ва мураббийларимиздан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони ҳамда "Пекин шаҳрида ўтказилган 2008 йилги XXIX ёзги Олимпия ўйинлари совриндорлари ва қатнашчиларини мукофотлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори ўқиб эшиттирилди.

Йиғилишда спортчилар номидан сўзга чиққанлар бундай юксак эътибор учун Президентимизга ўз миннатдорчиликларини билдирдилар. Келгусида бу ғамхўрликка жавобан, спортда юксак ғалабаларни қўлга киритишга ваъда бердилар.

— Тўғриси, бизга бунча катта тантана билан пешвоз чиқишларини кутмагандик, — дейди Пекин Олимпиадасида эркин кураш бўйича олтин медални қўлга киритган Артур Таймазов. — Менга Президентимиз Фармони билан «Буюк хизматлари учун» ордени берилганини эшитиб, беҳад қувониб кетдим. Бу эътибор ва ғамхўрлик келажакда янада юксак муваффақиятларга эришишимда қанот бўлади. Фурсатдан фойдаланиб, барча Ўзбекистон халқини яқинлашиб келаётган Мустақилликнинг 17 йиллик байрами билан табриклайман.

— Менинг ғалабамда мамлакатимизда Президентимиз ташаббуси билан ташкил этилган уч босқичли узлуксиз спорт тизими —"Умид ниҳоллари", "Баркамол авлод" ва "Универсиада" спорт ўйинларининг аҳамияти беқиёс, — дейди дзюдо бўйича бронза медали соҳиби бўлган Ришод Собиров. — Негаки, "Универсиада" спорт ўйинларида дзюдо бўйича ғолиб чиққандим. Ана шу тажриба Олимпиада ўйинларида менга қўл келди.

Бу сафарги Олимпиада ўйинларига ҳам пухта тайёргарлик кўриш учун ҳукуматимиз томонидан спортчиларимизга барча шароит яратиб берилди. Чунончи, хорижда ва мамлакатимизда кўплаб ўқув-йиғин машғулотлари ташкиллаштирилди.

Натижа ҳам кутилганидек бўлди. Ҳамюртларимиз 1 та олтин, 2 та кумуш ва 3 та бронза (жами 6 та) медали билан норасмий умумжамоа ҳисобида 204 та мамлакат спортчилари ичида 40-ўриндан жой олишди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р. Қосимов, Тошкент шаҳар ҳокими А. Тўхтаев иштирок этди.

**Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**
**Темур ҚУРБОНБОЕВ олган сурат.**

***Хива халқимизнинг 2500 йиллик тарихи, санъати, маданияти ва қадриятларимиз абадийлигини ўзида мужассам этган кўҳна шаҳардир. Бу ерга ташриф буюрган сайёҳ бир-бирига уйғун ёдгорликлар, осориатиқалар мажмуини кўриб, ўзини эртаклар диёрида, сеҳрли шаҳарда юргандай ҳис этади. Зеро, Хивадаги ҳар бир обида тарихдан сўзлайди. Айниқса, шаҳарнинг маркази — Ичан-Қалъани кезсангиз, бир-биридан виқорли, сержило обидалар кўз ўнгингизда гўзаллик, эзгулик ифодаси бўлиб гавдаланади. Ичан-Қалъа мўъжизаси дилда фахр-ифтихор уйғотади.***



# АСЛ ҚАДРИЯТЛАР КЎЗГУСИ

Хивадек улуғ масканни яратган, эъзозлаб келаётган халқимиз ҳар қанча фахрланишга, ғурурланишга ҳақли, албатта. Бу фахр ҳисси шаҳарнинг тарихий меросини сақлаб қолиш, асраб-авайлаш, авлодларга бус-бутун етказиш масъулиятини ҳам зиммамизга юклайди. Шу ўринда ишонч билан айтишимиз мумкинки, мустақиллик йилларида бу борада қилинаётган ишлар салмоғи жуда катта. Айниқса, Ичан-Қалъа давлат тарихий меъморий музей-қўриқхонаси ходимлари осориатиқаларимизни сақлаш, умрини узайтириш, бу ерга сайёҳларни кўпроқ жалб қилишга бор куч-ғайратларини сарфлашаяпти. Музей-қўриқхона жамоасининг тарихий обидаларни таъмирлаш, музейлар ташкил этиш, музей фондини бойитиш борасидаги ишлари ҳам эътиборга лойиқ. Бундай амалий тадбирлар махсус режа асосида олиб борилаётгани боис ўтган йили бу ерга ташриф буюрган сайёҳлар сони 571481 нафарга етди. Жорий йилнинг ўтган даврида Ичан-Қалъани зиёрат қилганлар 346432 нафарни ташкил қилди, шулардан 16 минг нафари хорижликлардир. Йил охиригача бу кўрсаткич янада ортиши шубҳасиз.

Бугунги кунда очиқ осмон остидаги музейда 19 та бўлим фаолият юритмоқда. Уларда 5784 та қадимий экспонат намойиш этилаётир. Шундай бўлса-да, музейларни янада бойитишга алоҳида эътибор қаратиш мақсадида вилоят бўйлаб илмий экспедициялар уюштирилаяпти. 2006 йили 3 та ана шундай экспедиция ташкил этилиб, 540 та музейбоп экспонат йиғилди. Ҳозирда бундай тадбирлар изчиллик билан давом эттирилаяпти. Йил бошидан буён аҳолидан қадимий буюмларни сотиб олишга 4,5 млн. сўм маблағ сарфланди. Натижада музей фонди янги экспонатлар билан бойиди. Бу, ўз навбатида, сайёҳларнинг халқимиз ўтмиши, тарихи ҳақида тўлиқ таассурот олишларига ёрдам беради. Масалан, музейнинг «Қадимги Хоразм» бўлими янги экспонатлар билан бойитилгани боис бу ерга ташриф буюрувчилар сони янада ортди.

Ичан-Қалъада дунёнинг турли бурчакларидан келаётган сайёҳларга замон талаблари даражасида хизмат кўсатиш учун барча шароитлар муҳайё этилган. Бу ернинг ўзида ўнга яқин меҳмонхона фаолият юритмоқда. Шунинг учун ҳам чет эллик сайёҳлар ўз саёҳатларидан, юртимизнинг тарихи ва бугуни билан танишувдан қониқиш ҳосил қилмоқдалар. Улар билан бир оз суҳбатлашсангиз, бунга дарров амин бўласиз. Музей-қўриқхона ходимлари кенг илмий жамоатчилик билан алоқаларни мустаҳкамлаб бораётгани, илмий-тадқиқот ишларига ҳам бош-қош бўлаётгани қувонарли ҳол. У ўз атрофига воҳа олимлари, тадқиқотчилар, мутахассисларни, умуман олганда, кенг жамоатчиликни бирлаштирган.

— Бундан мақсад архитектура ёдгорликларининг умрини узайтиришдир, — дейди музей-қўриқхона директори Ботир Давлетов. — Айниқса, Хоразм Маъмун академияси олимлари билан самарали ҳамкорлик йўлга қўйилган. Улар музей-қўриқхонамизда илмий изланишлар олиб боришаяпти. Уларнинг фидойилиги туфайли ёдгорликларни сақлаш бўйича бир қанча вазифаларни белгилаб олдик.

**▼ Мерос**

Дарҳақиқат, бу ерда олимлар ёрдамида катта ишлар амалга оширилмоқда. Мисол учун, Хива шаҳрига бағишланган, унинг мангуликка дахлдор обидаларининг тарихи акс эттирилган, суратлар билан безатилган, «Ичан-Қалъа» давлат музей-қўриқхонаси» номли альбом-каталог нашр этилди. Унда Хивадаги барча қадимий биноларнинг рангли тасвирлари акс эттирилган. Уларга ўзбек, рус, инглиз тилларида изоҳ берилган. Бундан ташқари, музей ходимлари ва олимларнинг меҳнатлари билан музей-қўриқхонанинг беш томлик каталог тўплами яратилди. Ушбу тўпламларда Ичан-Қалъанинг 54 мингдан ортиқ экспонати ҳақида тўлиқ маълумотлар берилган. Мазкур каталоглар халқимизнинг бой тарихини чуқур ўрганиш, уни келажак авлодга бус-бутун етказишда муҳим манба бўлиб хизмат қилади.

Музей-қўриқхона ходимлари ёшларга бой тарихимизни ўргатиш, ўғил-қизларни миллий қадриятларимизга садоқатли қилиб тарбиялаш ишига ҳам ўз ҳиссаларини қўшиб келмоқдалар. Мактаб, коллеж ўқувчилари, талабалар учун музейларга бепул экскурсиялар ташкил этилаяпти. Музейнинг ўзида улар учун очиқ дарслар ўтказилаяпти. Корхона ва ташкилотларда, мактаб ва коллежларда Хоразм тарихи, амалий санъати, этнографияси, фан ва маданияти тарихига оид маърузалар ўқилиб, матбуотда кўп бор чиқишлар қилинаётир. Булар, албатта, келажакда ўз самарасини беради.

Музей-қўриқхона жамоаси ўз фаолиятида яна бир янгиликка қўл уришди. Улар жойларда «Хоразм мис ўймакорлик буюмлари», «Кулолчилик», «Хоразм мусиқа асбоблари» каби кўргазмаларни ўтказмоқда. Яқинда бу ерда Хивадаги «Бизнес ва туризм маркази» билан ҳамкорликда анъанавий «Қадимий Хоразм маданияти» фестивали бўлиб ўтди. Бундай саъй-ҳаракатлар халқимиз ва чет эллик сайёҳларнинг юртимиз тарихига бўлган қизиқишини орттириб, уларни музейларга кўпроқ жалб этишда муҳим омил бўлмоқда. Бундай изланиш ва интилишлар бесамар кетмаслиги аниқ. Зеро, меҳнат, ташаббус, албатта, рағбат топади. Музей-қўриқхона жамоаси ўтган йили Марғилон шаҳрининг 2000 йиллигига бағишлаб ўтказилган музейлар фестивалида иштирок этиб, мамлакатимиздаги нуфузли 28 та музейлараро ғолиб деб топилгани фикримиз далилидир. Жамоа мазкур фестивалда республика Маданият ва спорт ишлари вазирлигининг биринчи даражали дипломи билан тақдирланди. Бу уларнинг самарали фаолиятларига берилган яна бир юксак баҳодир.

Ҳозирги кунда Ичан-Қалъа музей-қўриқхонасининг моддий-техник базасини янада мустаҳкамлаш, замонавий техника билан бойитиш, янги музейлар ташкил этиш ва уларнинг фаолиятини янада яхшилаш ишлари амалга оширилаяпти. Бир сўз билан айтганда, Ичан-Қалъа юртимизнинг музейшунослик марказига айланиб бормоқда.

**Ойбек РАҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**


NISSAN TIIDA
КОМФОРТ В ДВИЖЕНИИ



NISSAN TIIDA
Превосходная динамика и элегантный просторный салон. Уверенность на дороге и высокое качество внутренней отделки. Безупречность в каждой детали. Особая атмосфера надежности, безопасности и комфорта.
NISSAN SHIFT_lifestyle
СПЕЦИАЛЬНОЕ ПРЕДЛОЖЕНИЕ
от официального дистрибьютора Nissan в Узбекистане — компании Premium Auto, 295 88 77:
цена от $ 31 000*, гарантия – 2 года или 50 000 км пробега + ПОДАРОК.
* Цены указаны с учетом таможенных платежей.


***Анжир — жаннат меваси, дейишади. Бу хуштаъм мева витаминларга бойлиги, ширасининг ноёблиги, ҳузур бахш этувчи ҳиди, танага тез сингиши билан тенгсиз ва ягонадир. Айтиш жоизки, юртимизда анжирнинг кадота, қора анжир, асал анжир каби навлари етиштирилади.***

# АНЖИР — ТАНСИҚ МЕВА

Айниқса, Самарқанд ва Паркент анжири — ер юзида энг қадрланадиган, ҳақиқий шинавандалар дунёнинг бошқа бир чеккасида туриб «Уни бир татиб кўрсам эди» деб орзулашадиган туридир.

Шу боис, ҳар йили сайёҳлик мавсумида Самарқанд анжири пишгач, уни егани Германиядан, Франциядан, Италиядан атайлаб кўплаб сайёҳлар келиши бежиз эмас.

**▼ Билиб қўйган яхши**

Қолаверса, анжир нафақат хушхўр, балки жуда кўп шифобахш хусусиятларга эга нажот мевасидир.

Буюк ҳаким Абу Али ибн Сино ўз асарларида анжир мевасининг йўтал қолдирувчи, балғам кўчирувчи, кўкракни юмшатувчи хоссаларини таъкидлаб ўтган. Анжир шарбати билан хантал (горчица)нинг кўпик аралашмаси қулоққа томизилса, қулоқ шанғиллашини тўхтатиши, унинг сут шираси қорақурт ва чаённинг заҳрини кесишга ёрдам беришини уқтирган. Мозийнинг машҳур табибларидан бири Муҳаммад Ҳусайн ибн Муҳаммад ал-Оқилий «Махзан-ул-адвия» рисоласида анжир танадаги ҳароратни тинчлантиришини, чанқоқни қолдиришини, аъзоларни терлатиб, юмшатишини ёзиб қолдирган. Машҳур табиб анжир юракнинг ҳаприқишига барҳам беришини, зиқнафас (бронхиал астма), кўкрак оғриғига даво эканлигини исботлаб берган.

Табиатшунос Б. Симкиннинг маълумотларига қараганда, анжир меваси иситма туширувчи ҳамда тер ҳайдовчи хусусиятга ҳам эга экан. Томоқ оғриганда меванинг дамламаси билан ғарғара қилинса, яхши натижа берар-кан.

Энди анжир экиш қоидаси ҳақида икки оғиз. Анжир қаламчасини тахминан 1 соат тузли сувга солиб қўйинг. Сўнг пўрсилдоқ тупроққа ўтказинг. Ана шунда экилган анжирнинг меваси ширин ва шифобахш бўлади.

**Маннон НАБИЕВ,**
**доришунос.**


АКЦИЯ ДАВОМ ЭТМОҚДА!
"МИСТЕР БОНУС!"
ЎЗБЕКИСТОН БЎЙЛАБ БАРЧА ҚЎНҒИРОҚЛАР УЧУН ҲАР ОЙ БЕПУЛ
200 ДАҚИҚА




ХУШХАБАР!
Эндиликда PerfectumMobile мижозлари Қирғизистон Республикасида ҳам роуминг хизматидан фойдаланишлари мумкин.
Иссиқкўлда мароқли ҳордиқ чиқаринг!
*2009 йилнинг 1 январига қадар
Барча маълумотлар компания офисларида ва www.cdma.uz сайтида.
PerfectumMobile CDMA Dreams Come True!
(8598) 305-1111
ISO 9001:2000

ВЕРСАЛЬ
МИР обоев
Eastmann
палитра
Российский линолеум
Тел. 234-48-11
Факс 777-71-20
Товар сертифицирован.
Форма оплаты — любая.



Халқ сўзи
Народное слово
МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 756. 26734 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Эълонлар 236-09-25.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Жамшед Тоғаев ва Муҳаммадали Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

т -Тижорат материали

МАНЗИЛИМИЗ:
100000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов.
Навбатчи муҳаррир — У. Файзиева.
Навбатчи — М. Охунова.
Мусаҳҳиҳ — Ҳ. Тошхўжаев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.10 Топширилди — 23.40 1 2 3 4 5 6 8